

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2024 йил 23 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Л.Жумабоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Муҳаммадсаиднинг котиблигида, Ш.Махмудованинг таржимонлигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Тошкент шаҳар Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Хайдарова, судланувчи У.Муҳаммад ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Абдуллаевнинг иштирокида, \*\*\*\*\*га оид № 1-1002-2406/628-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи \*\*\*\*\*, озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш билан боғлиқ жиноятни қуйидаги ҳолатда содир этган.

Жумладан, судланувчи У.Муҳаммад 2024 йил 24 июнь куни соат тахминан 05:30ларда, такси автомашинасида Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кичик халқа йўлида йўловчи сифатида кетаётган вақти, Миробод тумани ИИО ФМБ ЖТСБ ва ППХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида унинг ёнида бўлган нарсалар кўздан кечирилганида, унга тегишли бўлган “Iphone 14 Pro” русумли телефон аппаратининг орқа ғилофининг ичида, ўткир ҳидли, жигар рангли ясси айлана шаклидаги мумсимон модда мавжудлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 26 июндаги № 2511-сонли экспертиза хулосасида, У.Муҳаммаддан олинган мумсимон модда



таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “Гашиш” деб аталиши, унинг оғирлиги 0,58 граммга тенглиги, “Гашиш” – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 878-сонли қарорининг 28-тартиб рақамидаги 1-қаторига, яъни Гашиш (анаша, смола, каннабиса)\* деб ёзилган қаторга киришлиги кўрсатилган.

Мазкур рўйхатнинг 28-рақами 1-қаторига кўра, Гашиш (анаша, смола, каннабиса)\* гиёҳвандлик воситасининг 0,58 грами (0,2 – 2,0) озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил этади.

Судга оид наркология экспертизанинг 2024 йил 24 июлдаги 203-сонли далолатномасида, У.Мухаммад гиёҳванд воситасини (наша) 2023 йилнинг май ойидан истеъмол қилиб келишлиги, гиёҳвандлик воситасига рухий ва жисмоний боғлиқлиги йуқлиги, унда гиёҳвандлик касаллик аломатлари аниқланмаганлиги ва у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи \*\*\*\*\* судда аниқланган жиноятни содир этишдаги айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб ўз кўрсатувида, 2024 йил 21 июнь куни “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали “JTA” ботидан ўзининг истеъмоли учун 450 000 сўмга “Гашиш” гиёҳвандлик воситасига буюртма берганлиги, кейин ушбу бот орқали келган карта рақамига ҳозирда аниқ ёдида бўлмаган кўчадаги банкомат орқали 450 000 сўм тўловни амалга оширганлиги, шундан сўнг “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали гиёҳвандлик воситаси қолдирилган жой манзили келиб тушганлиги, шундан сўнг ушбу жойлашув бўйича ҳозирда аниқ манзили ёдида бўлмаган Чилонзор тумани ҳудудидан харид қилган “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини олганлиги, кейин ушбу гиёҳвандлик воситасини “Iphone 14 Pro” русумли телефон аппаратининг орқа ғилофи ичига солиб қўйганлиги, шундан сўнг ишлари билан бўлиб, ушбу гиёҳвандлик воситаси ёдидан кўтарилиб кетганлиги, шундан сўнг 2024 йил 24 июнь соат тахминан 05:00лар атрофида яхши кўрган қизи Харламова Боженани уйига кузатиб қўйиб, Миробод тумани, Кичик халқа йўли кўчасидан чиқиб келганлиги ва “Яндекс” иловаси орқали такси чақирганлиги, бироз вақт ўтгандан сўнг “Gentra” русумли давлат рақам белгиси 01 Z 036 EB бўлган автомашина келганлиги, шунда ушбу автомашинага ўтириб, автомашинада тахминан 100 метр юрганидан сўнг уларни ИИО ходимлари тўхтатишганлиги, шунда у ўзини шубҳали тутганлиги сабабли ИИО ходимлари икки нафар холислар иштирокида унинг ёнини кўздан кечиришганида, “Iphone 14 Pro” русумли телефон аппаратининг орқа ғилофи ичига солиб қўйган “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини аниқлашиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасини ҳеч кимга ҳадия қилиш ёхуд сотиш мақсади бўлмаганлиги, уни фақат ўзининг истеъмоли учун харид қилганлиги, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ Туробов Султон Маҳмуд ўғли ўз кўрсатувида, 2024 йил 24 июнь куни соат тахминан 05:00 – 05:30лар атрофида



бошқарувидаги “Gentra” русумли давлат рақам белгиси 01 Z 036 EB бўлган автомашинада Миробод тумани ҳудудида “Яндекс” иловаси орқали таксичилик билан шуғулланиб юрган вақти, Миробод тумани, Кичик халқа йўлидан буюртма тушганлиги, шундан сўнг буюртмага асосан кўрсатилган манзилга борганида, кейинчалик исми-шарифини билган \*\*\*\*\*ни бир қиз билан турганини кўрганлиги, шунда ушбу шахс ушбу қиз билан хайрлашиб автомашинага ўтирганлиги, шундан сўнг тахминан 100 метр масофа юрганида уларни ИИО ходимлари тўхтатишганлиги, шунда ИИО ходимлари у келгунига қадар У.Мухаммад ўзини шубҳали тутганини айтишиб, ундан холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги, шунда ИИО ходимларининг таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг ИИО ходимлари У.Мухаммаднинг ёнида бўлган нарсаларни у ва яна бир нафар холис иштирокида кўздан кечириганида, унинг уяли телефон апаратининг орқа ғилофидан гиёҳванд моддага ўхшаш ўткир ҳидли жигар рангли модда борлиги аниқланиб, ИИО ходимлари томонидан расмийлаштириб олинганлиги, ўзи ва яна бир нафар холис расмийлаштирилган ҳужжатларга имзо қўйиб беришганлиги, ўша куни ИИО ходимлари У.Мухаммаддан олинган модда нима эканини сўрашганида, У.Мухаммад ушбу модда “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси эканлиги, уни ўзининг истеъмоли учун сотиб олгани тўғрисида айтганлиги ҳақида баён қилди.

Суд, судланувчи У.Мухаммаднинг судда аниқланган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ С.Турабоевнинг суддаги кўрсатуви, гувоҳлар Ғ.Муслимов ва Д.Норовларнинг суд мажлисида ўқиб эшиттирилган дастлабки тергов давридаги кўрсатувлари, жиноят ишини кўзғатиш ва иш юритувга олиш тўғрисидаги қарор (и.в. 1), Миробод тумани ИИО ФМБ ЖТСБ ва ППХ ходимининг билдиргиси (и.в. 4), нарса ва ҳужжатларни олиш тўғрисидаги баённома (и.в. 6), Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 26 июндаги 2511-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосаси (и.в. 16), жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор (и.в. 24-25), нарсани далилий ашё деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор (и.в. 28), судга оид наркологиya экспертизанинг 2024 йил 24 июлдаги 203-сонли далолатномаси (и.в. 49), жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор (и.в. 53-54) тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорида берилган тушунтиришлар, шу жумладан, 6-бандига кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эғалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунтилиши



лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди,

Суд, жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида олинган гиёҳвандлик востасининг тури ва миқдорини, шунингдек, судга оид наркология экспертизасининг У.Мухаммадда гиёҳванд воситасини (наша) истеъмол қилгани аниқланганлиги тўғрисидаги далолатномасини ҳамда судда текширилган далилларга асосан аниқланган ҳолатларни инобатга олиб, судланувчи У.Мухаммадни 0,58 граммга тенг бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келганлиги тўғрисида хулосага келади.

Суд, судланувчи У.Мухаммаднинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,58 граммга тенг бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини сақлаганлик ҳолатидаги жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди, “Кўп миқдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 26 июндаги № 2511-сонли экспертиза хулосасида, У.Мухаммаддан олинган мумсимон модда таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “Гашиш” деб аталиши, унинг оғирлиги 0,58 граммга тенглиги, “Гашиш” – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 878-сонли қарорининг 28-тартиб рақамидаги 1-қаторига, яъни Гашиш (анаша, смола, каннабиса)\* деб ёзилган қаторга киришлиги кўрсатилган.

Мазкур рўйхатнинг 28-рақами 1-қаторига кўра, Гашиш (анаша, смола, каннабиса)\* гиёҳвандлик воситасининг 0,58 грами (0,2 – 2,0) озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил этади.

Суд, юқоридагиларга асосан У.Мухаммаднинг ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,58 граммга тенг бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини сақлаганлик ҳолатидаги жиноий хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандидан, Кодекснинг 276-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга, жумладан, қарорнинг:

-3-бандига кўра, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.



-5-бандига кўра, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак.

Суд, судланувчи У.Мухаммаднинг айбига иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда унинг жиноятни паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Суд, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи У.Мухаммадга нисбатан жазо тайинлашда, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жиноятни паст ниятларда содир этганлигини инobatга олиб, судланувчи У.Мухаммадни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келиб, унга модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан уни қамокда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланадиган жазодан чегиришни, унга нисбатан қўлланилган “Қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартириб, суд залидан озод қилишни лозим топади.

Суд, наркология экспертизанинг 2024 йил 24 июлдаги 203-сонли далолатномасининг У.Мухаммадни наркологик кассаликлар билан азият чекмаслиги ва даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақидаги хулосасидан келиб чиқиб, У.Мухаммадга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан даволаниш тиббий йўсиндаги мажбурулов чорасини тайинламасликни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 0,58 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини табиий йўқолган вазни ва экспертиза вақтида сарфланган миқдорини инobatга олинган ҳолда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

**Ҳ У К М Қ И Л А Д И :**



\*\*\*\*\* (Muxammad Umar Yusaf) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

\*\*\*\*\*га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ўташ учун ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ижросини таъминлаш Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИО ФМБга юклатилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи белгилаб берган иш жойларида ўтаттирилсин.

Жазо муддати У.Мухаммад мазкур иш жойларида иш бошлаган ва унинг иш ҳақисидан ушлаб қолинган даврдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи У.Мухаммадга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи У.Мухаммадга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 0,58 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси табиий йўқолган вазни ва экспертиза вақтида сарфланган миқдори инobatга олинган ҳолда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Тошкент шаҳар суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Л.Жумабоев**



Ҳужжат имзоланган: Жумабоев Лутфулла Толлибоевич, 18.10.2024

